**Партия ҳаётидан**

## МАЪНАВИЯТ МЕЗОНИ

Ўзбекистон ХДП олиб бораётган сиёсат барча жамоат ташкилотларини партиямиз билан ҳамкорлик қилишга ундаяпти. Жойлардаги ХДП ташкилотлари қаторида Чироқчи туман партия кенгаши ҳам ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга кўмакдош бўлишга ҳаракат қиляпти. Энг муҳими, инсон манфаатлари йилида халқ манфаатлари илгари сурилган. Шу жиҳатдан ҳокимлик, тумандаги «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» жамғармалари билан ҳамкорлик ўз самарасини кўрсата бошлади.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан бўлган ҳамкорликни ҳам бу борадаги ишларнинг давоми, дейиш мумкин. Шу боис, тумандаги барча хўжалик, корхона ва ташкилотларда тузилаётган марказларнинг раҳбари этиб шу ташкилотларнинг раҳбарлари сайланаётган бўлса, котиблари ХДП бошланғич ташкилотларининг котибларидир.

**Алибой ДЎХМАРОВ.**

## ХАЙРЛИ ИШ

Ўзбекистон ХДП Қува туман кенгаши ва «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳамкорликда «Қувамсан, дилда боримсан» номли шеърлар тўпламини чоп этди. Бу китобга қувалик ёш шоирларнинг диёр ва ёр мадҳига бағишланган шеърлари киритилган. ХДП Қува туман кенгашининг бу ибратли иши хайрли.

Ўтган йили туман партия кенгашининг ҳомийлигида Афғонистонда ҳалок бўлган қувалик аскар йигитлар хотирасига бағишлаб «Армонли дунё» китоби ҳам нашр этилган эди.

**Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Кўчмас мулк — кетмас давлат**

# ҲАММАГА МУЛКДОРЛИК НАСИБ ЭТСИН

Кейинги олти йил Ўзбекистон учун туб иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишлар даври бўлди. Бу муддат мобайнида мамлакатимиз иқтисодий тизими бозор муносабатларига ўтиб, барча турдаги мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёни бошланди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳукуматининг хусусий мулк соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли республикамизда мулкдорлар синфи шаклланди.

Мана, республика Кўчмас мулк биржаси ташкил этилганига ҳам уч йил тўлди. Биржага 1994 йилнинг 8 апрелида асос солинган. Кўчмас мулк биржаси ташкил этилишида Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Айтиш мумкинки, бу Фармон юртимизда хусусий мулк пайдо бўлиши ва шаклланишига кенг йўл очди.

Кўчмас мулк биржаси ташкил этилган вақтдан буён мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётир. Биржа уч йил давомида давлат мулкларини хусусийлаштириш, уларнинг кимошди, биржа, танлов савдоларини амалга ошириш борасида бир қанча тажрибалар орттирди. Шу кунларда ҳам биржада мамлакатимиздаги барча турдаги кўчмас мулкларнинг иккиламчи бозорини ташкил этиш мақсадида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Кўчмас мулк биржаси мамлакатимиз иқтисодий тизими бозор муносабатларига ўта бошлаганидан сўнг ижтимоий ҳаёт тақозоси туфайли вужудга келди. Унинг ташкил этилиши табиий эди. Ўзоқ йиллар давомида «бизда фақат умумхалқ-давлат мулки бор» деб келинган, хусусий мулкка эга кишилар камситилган, жамият тартиб-қоидаларидан воз кечиб, юртдошларимизнинг хусусий мулкка эга, мулкдор бўлишларига имкон яратишда Кўчмас мулк биржаси масъулиятли вазифани бажариши лозим эди. Бугун эътироф этиш мумкинки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида республикамиз бозор инфраструктурасининг бошқа бўғинлари қатори республика Кўчмас мулк биржаси ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, олдига қўйилган муҳим вазифани муваффақият билан адо этди.

Асосий рақамларга эътибор берадиган бўлсак, ўтган уч йиллик давр ичида Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида 32 мингга яқин кўчмас мулклар 3 миллиард 334 миллион 499 минг сўмга сотилди. Вақт ўтган сайин савдоларда давлат тасарруфидаги иншоотлар камайиб, нодавлат тизим ихтиёридаги мулклар ортиб бораётир.

Ҳозир мамлакатимизда кўчмас мулкларнинг иккиламчи бозори шаклланмоқда. Кўчмас мулк биржаси бозор шароитида ўз ўрни ва мавқеини йўқотмаслик мақсадида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Иқтисодий тизими бозор муносабатлари асосида бошқариладиган ҳар қандай мамлакатда кўчмас мулклар билан савдо қилувчи асосий ташкилотлар мавжуд. Биз буни хорижий мамлакатларда кўриб, улар фаолияти билан танишдик. Фақат номланиши, хизмат кўрсатиш тартиби бошқача бўлиши мумкин. Бу борада Кўчмас мулк биржасида дастлабки қадамлар ташланди. 1996 йилда хорижий сармоядорларга 39 та иншоот 109729,0 минг сўмга сотилди.

Республика Кўчмас мулк биржаси ҳозирги вақтда асосий эътиборни биржа савдоларига хорижлик сармоядорларни кўпроқ жалб этишга қаратаётир. Биржа мутахассислари чет эл давлатлари кўчмас мулк бозори вакиллари билан турли алоқалар ўрнатмоқда. Бу албатта хорижий сармоянинг Ўзбекистонга кўпроқ кириб келишига ҳисса қўшади.

Биржа фаолиятини ривожлантиришдан мақсад ягона, юртимизда кўчмас мулк бозорини тараққий эттириш, мукаммаллаштириш, уни жаҳон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишдир.

**Ўткир АБДУЛХАЙИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси бошқаруви раиси.**

*Хатлар Хатлар Хатлар*

## ҚАҲРАМОНИНИ КУТАЁТГАН ШОҲСУПА

Ўйлайманки, бу сюрреалистча «пейзаж» барчамизнинг эътиборимизни тортган бўлса керак: шундоқ метронинг «Мустақиллик» бекатидан чиқиб, хиёбон томон юраверсангиз, беўхшов, «интизор» турган «шоҳсупа»га кўзингиз тушади. Олдин у ерда «инқилоб» қаҳрамонларидан бири Дзержинскийнинг ҳайкали савлат тўкиб турарди. Унинг ўз вақтида шоҳсупадан ағдарилгани таҳсинга лойиқ, албатта.

Бироқ, шаҳарнинг қоқ марказида (орадан анчагина вақт ўтса-да) бу чала-ярим супанинг ҳали-вери туришини қандай тушуниш мумкин? Октябрь инқилоби етказган жароҳат ва асоратлар шундоқ ҳам халқимиз ёдидан чиқмайди.

Қолаверса, шу жойга лойиқ миллий қаҳрамонларимиз камми? Айнан қизил империя қурбонларига айланган халқимиз фарзандлари қанча!

Таклифим: пойтахтнинг ана шу кўркам жойига Ватанимиз мустақиллиги учун курашган ва оқибатда ўз кураш натижасини кўролмай мустабид тузум қурбонига айланган шоир ва мутафаккир, миллатнинг унутилмас ўғлонларидан бири — Абдурауф Фитратга ёдгорлик ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Зотан, бугунги мустақиллигимиз туфайли бу йўлда шаҳид кетган юрт ўғлонларини унутишга ҳаққимиз йўқ!

Бу ёдгорлик авлодларимизнинг энг севимли зиёратгоҳларидан бирига айланиши шубҳасиз.

**Малик МАНСУР, Тошкент шаҳри.**

## БОҒЧА КЎРМАЙ, МАКТАБГА БОРАМИЗМИ?

*Сирасини айтганда, яна сабр қилсак бўларди. Зеро, фарзандларимизни улғаётгани, боғча кўрмай мактабга ошиқаётганини кўрганингда андак мулоҳазага борасан киши. Келинг, яхшиси воқеани бир чеккадан сўзлайлик. Бир пайтлар Шайхонтоҳур туманидвги «Бўстон» маҳалламизда ҳашар йўли билан 8-йиллик мактаб қурилган. Шу мактабда урушдан кейинги йиллар «Бўстон», «Ўзбекистон» ва Қаюм Муртозаев номли маҳаллалар болалари ўқишган. Шу бинода 11 йиллик кечки мактаб ҳам бўлиб, ундан кўпчилик манфаатдор эди. Мактаб аввал 44, кейин 13, ҳудудимиз шаҳарга қўшилгандан кейин 246-деб юритиладиган бўлди.*

*Ҳамма гап 1989 йилдан бошланди. Шаҳар ва туман халқ таълими ҳамда туман ҳокимлигининг масъул ходимлари келишиб, маҳалла аҳлини йиғиб, мактаб ёпилишини маълум қилишди. Мақсад — унинг ўрнига болалар боғчаси қуриларкан. Аҳоли рози бўлмади. Чунки, болаларнинг узоқдаги мактабга боришлари малол келарди. Аммо орадан бир ойча вақт ўтиб, яна йиғилиш бўлди. Зўрма-зўраки қарор чиқарилди. Мактаб бузилиб, қурилиш материаллари талон-тарож бўлди. Ота-оналарнинг ҳаловати бузилди. 1990 йил бошларида уч қаватли боғча биноси қуришга киришилди. Бино кўрк бергани сари, ҳадемай, болаларимиз янги боғчага боришади, деб кўнглимиз таскин топарди. Аммо қурилиш охирига етиб қолганда, маблағ йўқлиги баҳона ҳаммаси ўлда-жўлда қолди. Бўлмаса 2 километрли кўча кавланиб водопровод суви келтирилганди. Мана, энди 20 мингга яқин аҳоли яшайдиган ҳудудда на мактаб, на боғча бор. Чала боғча эса қишда қор остида, ёзда жазирамадан путури кетяпти. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва халқ маорифи бўлими раҳбарлари эса бу ишга эътиборсиз. Қизиғи шундаки, қурилиш бошланган йили дунёга келган болаларимиз боғча кўрмай, мактабга боришга мажбур бўлмоқдалар. Наҳотки, яхши ниятда бошланган қурилишни ниҳоясига етказишнинг иложи бўлмаса.*

**Тошкентлик уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар номидан Марҳамат РИХСИЕВА, Мамлакат ИСМОИЛОВА, Бобожон АЛИМОВ.**

## ЯНА ЎША, ЎШАМИ?

Мамлакатимизда келажаги порлоқ давлат қурилиши йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Мовий-яшил байроғимиз ҳилпираганда, мадҳиямиз таралганда ғурурга тўламиз. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортининг янги намунасини чиқарилиши ҳам ана шундай қувончли воқеалардан бўлганди. Аммо баъзи паспортларни расмийлаштиришда бир замонлар, собиқ СССР даврида бўлганидек, хатоларга йўл қўйилмоқда. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани Ички ишлар бўлими томонидан Қаландарова Зарафшон Матёқубовна номига 24 октябрь 1996 йилда берилган фуқаролик паспортида Элликқалъа туманини Элликқалин деб ёзилганини қандай тушуниш керак. Бир қарашда арзимасдек туюлади. Яна бир мисол, Нафосат Матёқуб қизига тегишли бўлган паспортга исм-шариф инглиз тилида «HAFOSAT» деб ёзилибди. Инглизчани билган одам буни «Ҳафосат» деб ўқийдику. Ҳар қалай паспортни тўлдираётган ходима ўз ишига андак эътиборли бўлса, бундай нохушликка йўл қўйилмаган бўларди.

**Одил ИБРОҲИМОВ.**

**Ҳуқуқий демократик давлат сари**

# ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

1996 йил октябрда Анқара шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё, Шарқий ва Марказий Европа ҳамда Туркияда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида аёлларнинг тутган мавқеи ва ўрни» мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қатнашиш имконияти менга насиб этди. Турли давлатлардан келган олимларнинг илмий маърузаларида аёллар муаммоларининг деярли барча жиҳатлари қамраб олинди. Жумладан, Ўзбекистонда аёллар тутган мавқе, жамиятимизда уларнинг ўрни таҳлил қилишга уринилди. Табиийки, аниқ фактларга асосланмаган уларнинг айримлари билдирган хулосалари, юмшоқ қилиб айтганда, таҳрир талаб этарди. Менинг «Мустақилликкача ва мустақилликка эришилганидан кейин Ўзбекистонда аёлларнинг мавқеи» деб номланган маърузамдан сўнг кўндан-кўп саволлар ёғилиб кетди. Саволларнинг қўйилишиёқ бизнинг муаммоларимизга илмий қизиқиш кучли эканини исботлайди.

Турмушимизнинг барча жабҳаларидаги улкан ўзгаришлар билан боғлиқ республика маънавий-маърифий ҳаёти ва иқтисодиётидаги тадрижий ривожланиш жамиятда аёл ва оиланинг тутган ўрни масаласида туб ўзгаришларга олиб келди. Бу — даврнинг хусусияти бўлиб, у чуқур ўрганилишни талаб қилади ва халқаро аҳамият касб этади. Бу ерда ҳеч қандай муболаға йўқ. Биронта ривожланган Ғарб давлатида ҳам бу масаланинг ҳал этилиши биздагидек давлат миқёсидаги аҳамият касб этмайди. Аёллар аҳволини яхшилашга йўналтирилган давлат тизимини яратиш (республика Бош вазири ўринбосари лавозимини жорий этиш, хотин-қизлар қўмитасини ташкил этиш ва ҳ.к.), қатор нодавлат ташкилотларини ташкил этиш (оилани режалаштириш Миллий ассоциацияси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, ишбилармон аёллар ассоциацияси, тадбиркор-иқтисодчи аёллар ассоцияцияси, ҳуқуқшунос аёллар ва ҳ. к.) республикада «аёллар масаласини» аввалгидан мутлақо бошқа ўзанга солиб юборди.

Иқтисоднинг нодавлат сектори шаклланиши аёллар фаолиятида ҳам янги соҳаларнинг пайдо бўлишига имкон туғдирдики, бу уларнинг ўз қобилиятларини ривожлантириш учун чексиз имкониятлар яратади. Бу, аввало, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесда аёллар иштирокига дахлдордир. Билим, малака, ижтимоий тайёргарликнинг юксак даражаси туфайли жамиятнинг аёллар қисмига мансуб куч-қудрат заҳираси ҳам каттадир. Кўпчилик аёллар янги, бозор иқтисодига ўтиш шароитларига ҳайратланарли даражада тез мослашмоқдалар. Миллий келиб чиқиш хусусиятларига кўра эса илғорлик ёки қолоқлик белгилари сезилмаяпти.

Республика Хотин-қизлар қўмитасининг маълумотига кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 64 минг тадбиркордан 20 минги аёллардир. Бу соҳа аёллар учун қанчалик машаққат экани ҳаммага маълум. Чамаси, фақат кучли ва ақллиларгина бутун мураккабликларни, кўпинча эса атрофдагиларнинг қаршилигини енгиб ўта олади. Шунинг учун ҳам, давлат томонидан қўллаб-қувватловчи фондлар ташкил этилишига қарамай, аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши оммавий эмас, хусусий ҳодиса бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, аёллар республика аҳолисининг 51 фоизини ташкил этади. Шундай экан, келажакдаги иқтисодий қудратимиз тўғрисида гапирганда ана шу жиҳатни назардан қочириб бўлмайди.

Ҳозирги замон жамиятидаги аёлларнинг мавқеи масаласини жузъий масалалар сирасига қўшиб бўлмайди. Бу бутун жамиятнинг умумвазифасидир. Чунки унга жами инсонларнинг тақдир ва манфаатлари дахлдордир. Шу кунларда бу масала айниқса долзарб бўлиб қолди, сабаби илгари ҳеч қачон бу қадар муҳим ва кенг кўламдаги ўзгаришлар бўлмаган эди. Мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш вазифаси ижтимоий ва сиёсий жараёнларда аҳолининг барча қатламлари фоал иштирок этишини талаб қилади. Агар аҳолининг бир ярми аёллар ёки эркаклар иштирокида ҳам фаоллик етишмаса, жамият ривожланишида сустлик сезилган бўлур эди.

Аёллар жамиятда ҳеч ким ва ҳеч нима ўрнини босолмайдиган вазифани бажарадилар. Боз устига, ишлаб чиқариш, маиший хизмат, таълим-тарбия, тиббиёт сингари қатор соҳаларда эркаклар билан баб-баравар иштирок этадилар, қайд қилиб ўтганимиздек, аёллар мамлакат аҳолисининг ярмини ташкил этса-да, айрим ўринларда аёлларнинг жамиятдаги аҳамияти ҳамиша ҳам улар тараққиётимизга қўшаётган ҳиссага мувофиқ бўлавермайди. Турмушнинг барча жабҳаларида аёллар муҳофазаси тизими шаклланган бугунги кунда уларнинг суст ижтимоий-сиёсий фаоллиги қуйидан бўлаётган сабаблар билан изоҳланади. Буни тушуниш мумкин: ўтиш даврининг иқтисод билан боғлиқ мураккабликлари аёлларнинг бир тоифақисмини оилавий муҳит ва моддий муаммолар доирасида ўралаштириб қўйди. Бироқ, ҳукумат тизимининг қуйи даражаларида аёллар ҳиссасини ақалли учдан бир даражагача кўтариш кўплаб масалаларни ҳал этишда аёлларнинг амалдаги таъсирини кучайтирган бўлар эди. Бундан ташқари, аёлларнинг жамоат ва давлат ишларидаги ҳақиқий иштироки таъминланган бўлурди.

Ҳозир аёллар ҳуқуқи чекланиши ҳоллари рўй бераётган бўлса бунга ҳаётнинг салбий жиҳатлари, болалар тарбиясидаги чекинишлар сабабчи эканини гапириш урфга кирган. Ҳатто, яқин ўтмишда аёллар мавқеи қандай бўлганини унутиб қўямиз. Тангрига шукрки, энди у маҳдудликка қайтиш йўқ, жамиятда аёлларнинг мавқеи борасидаги буюк ғалабалардан чекинилмайди.

Асрлар давомида шаклланган ижтимоий қурилиш, бутун ҳаётнинг анъанавий тарзи бугунги кунда ҳам аёлнинг мавқеига таъсир этади ва кўп нарсаларни, энг камида, изоҳлаб беради. Шу билан бирга, бизда, XXI аср бўсағасида, аёлнинг тўбе, қулоқ қоқмайдиган, беркинган, оила ўчоғи билан иҳоталанганлиги ҳақидаги тасаввурларни «таъмирлашга» уринмоқдалар. Бундай қарашларнинг қайта тикланиши жамият учун кўнгилсиз оқибатларга олиб келади ва ўзбек аёлининг табиатига мутлақо қарама-қарши бўлади.

Асримиз бошида машҳур шарқшунос В. Москалев ўзбек аёллари ҳақида тарихий-этнографик очерк ёзишни мўлжаллаган, ўз тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келган эди: ўзбек аёлининг табиатида фаоллик, ҳаракатчанлик, қизиқувчанлик ва ақл туғма мавжуддир. Бунинг тасдиғини топиш учун тарихни кўп қидириш шарт эмас. Нодирабегим, Увайсий, Зебуннисо ва бошқаларнинг номлари ҳаммага маълум. XIX асрда Қўқон хонлигида машҳур бўлган Қурбонжон додхо (генерал аёл), «Олой маликаси», муҳим стратегик вилоятни бошқарди ҳамда нафақат хоннинг, балки генерал-губернатор, ҳатто чор Россияси подшосининг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

Давримиз учун хос бўлган диний уйғониш руҳи, албатта, ўзининг ижобий жиҳатларига эга. Бироқ, кўп нарса диннинг, жумладан исломнинг моҳиятини тўғри тушунишга боғлиқ. Уни нотўғри изоҳлаш аёллар ҳуқуқини янада кўпроқ чеклашларга олиб келади. Диний анъаналарга тақлид, қора ёпинчиқлар ўраб юриш бизнинг жамиятимизга хос эмасдир. Яна тарихдан мисол келтиришни лозим топаман. XIV асрда Темур давридаги тантаналарда малика ва сарой хонимлари эркаклар билан баб-баравар қувонишар, XI асрда эса аёллар эркаклар билан бирга мачитларга боришарди.

Аёлнинг оиладаги анъанавий ўрнини бузиб талқин этиш аёл устидан зўравонлик ўтказишга бевосита йўл очиб беради. Ҳозир бу ҳақда негадир гапирмай қўйишди. Гўёки айрим оилаларда зулм мавжуд эмасдек. Бу оиланинг ички иши ҳисобланади. Бундай зўравонларча тартиб кўпчилик аёллар учун маърифатсиз турмушни, доимий жаҳаннамни, масхаралаш даҳшатлари ва калтакларни билдиради. Бундан ташқари, халқ аъналарининг уйғониши баҳонасида никоҳ, фарзанд туғилиши, ўлим билан боғлиқ, қадрни ерга урувчи, пораканда этувчи маросимларни тирилтиришга уринишлар бўлмоқда.

Уларни бажариш борасида пайдо бўлган мажбуриятлар ҳақидаги тасаввур оилалар ҳуррамлиги учун хизмат қилмайди, кўпдан-кўп куч ва воситаларни четга тортади, чалғитади. Турли хил мўл-кўл юксак тантаналар учун беҳуда сарфланаётган маблағ воситалари кўпдан-кўп эзгу ишларни қойилмақом қилиб бажариш учун бемалол етиши мумкин. Шу ўринда, бу масалага бир неча мақолалар бағишлаган ва аср бошидаёқ Туркистон мусулмонларини пуфлаб шиширилаётган тантаналар учун харжланаётган маблағни болаларни чет элларда ўқитишга сарфлашга чақирган улуғ Маҳмудхўжа Беҳбудийни эсламаслик мумкин эмас.

Шу билан боғлиқ ҳолда оиладаги ёш келинларнинг ўрни ҳақида ҳам алоҳида гапириш зарур. Бунда ҳам аёл ҳуқуқини поймол этишнинг муайян кўриниши мавжуд. Келин шахси ҳуқуқларини ерга уриш чегараси, одатга кўра, патриархал оилалар бошлиғи томонидан белгиланади ва аждодлар урф-одатига илоҳий риоя этиш, дея изоҳланади. Ҳозирги кунда келинлар ҳуқуқини поймол этиш шаҳардан узоқлашиб қишлоққа яқинлашган сари тобора чуқурлашиб боради. Аввал жинсига кўра ҳуқуқининг поймол этилиши нималигини билмаган келин, хотин, она бўлган қиз ўткир карахтлик ҳолатига тушиб қолади. Ота-оналар қарамоғидаги нисбатан эркин инсондан у бирдан ўз овозига эга бўлмаган, ҳаммага қуллуқ қилишга мажбур иккинчи даражали инсон ҳолига тушиб қолади. Уйдаги барча хўжалик ишлари, эрнинг, ота-оналар, меҳмонлар ва бошқаларнинг хизматини қилиш унинг зиммасига тушади. Шу билан бир қаторда у ривожланган жамиятга хос бўлмаган, инсон ҳуқуқларига тўғри келмайдиган, бироқ миллий анъаналар ва одатларга нисбат бериладиган сон-саноқсиз, таҳқирловчи чеклашларга дош бериши лозим. Шу билан боғлиқ ҳолда кишини бир нарса ажаблантирадики, бизнинг оммавий ахборот воситаларимизда барча мурожаатлар келинга қаратилади: яхши келин бўлсанг, ўз эрингнинг онасини ҳурмат, иззат қил. Нега энди қайноналарни ҳам (келинларга нисбатан) адолатли ва меҳрибонроқ, эътиборли ва кечиримлироқ бўлишга, икки томонлама тенг ҳуқуқлилик, рози-ризолик ва ўзаро ҳурмат ўрнатишга чақирмаслик керак экан.

Яна бир масалани — оила ва болалар тарбиясида эркакнинг аҳамияти масаласини муҳокамага ташламоқчи эдим. Жамиятнинг аъзоси сифатида аёл доимо икки ёқлама ҳолатда қолади. Бир томондан, аҳолини кўпайтиришдек муҳим вазифа унинг зиммасида бўлса, иккинчи томондан, у ишлаб чиқариш жараёнларига тобора кўпроқ тортилиб, эркаклар билан баробар, баъзан эса улардан ҳам кўпроқ меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, оила хўжалигини юритиш ва болалар тарбияси масаласи ҳам фақат унинг зиммасига тушади. Маиший соҳада эркакларнинг вақтинчалик иштирок этмаслиги билинмаслиги мумкин, уларнинг бу соҳадаги иштироки шунчалик сезилар-сезилмасдир. Аёлларни вақтинчалик йўқ деб тасаввур қилишнинг ўзиёқ фожиали натижаларга олиб келиши мумкин: қорни оч болалар ва тўймаган уй жониворлари, оч-наҳор ва қаровсиз эркаклар, ювилмаган чойшаблар ва эркаклар қўл урмайдиган, аммо кундалик турмуш учун зарур бўлган бошқа кўп нарсалар фожиали аҳволга тушиб қоларди.

Оиланинг энг асосий ҳаётий негизи — турмуш, саранжом-саришталик аёллар зимммасига юкланган. Бу табиий дея ҳисобланади. Бундан-да муҳимроқ вазифа — болалар тарбияси ҳам аёллар юмуши саналади. Биз болалар тарбияси ҳақида гапирганда, кўпинча мактабларда ўғил болаларни ҳам асосан хотин-қиз ўқитувчилар тарбиялаётгани ва бунинг салбий оқибатлари ҳақида гапирамиз. Тўкис оилалар — ота-она бўлса-да, ўғил болалар тарбияси билан фақат аёллар томони шуғулланаётган оилалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Албатта, она ўз болаларига кўп нарсалар беради, аммо ўз кучига собит ишонч, мардлик, жасурлик, ҳимоя қилиш лаёқатини болага отадан бошқа ким ҳам бера оларди!

Демак, кун тартибига эски, аммо ҳамиша долзарб бир масалани қўйиш лозим: эркаклар тафаккурида қайта қуриш бўлиши керак. Қанчалик ғалати туюлмасин — аёллар онгида ҳам ўзгаришлар ясаш зарур. Бизнинг ўзимиз ҳам эркаклардан бирор уй юмушини бажаришни илтимос қилишдан аввал обдон ўйлаб қоламиз. Бу нима — анъанами, дунёқарашми, шарқона менталитетми? Эҳтимол, аммо шундай айланма доира пайдо бўладики, уни фақат икки томондан «туннель» қазиш билан бартараф этиш мумкин. Биз эркакларнинг устунлиги ғояси билан суғорилган жамоа бўлмаслигимиз керак. Мен мутлоқ тенгликка чақирмайман — бу мумкин эмас. Ҳар бир жинснинг ўз биологик, психофизик хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирини инкор этмайди, аксинча тўлдиради.

Тарбия масаласига қайтайлик. Агар аёл у ёки бу қолипларни синдириб болалар тарбиясидаги энг оғир вазифани бажарар экан, шу куннинг яна бир жуда муҳим ва оғриқли масаласи ҳақида ҳам тўхталайлик. Нега баъзи болаларимизнинг қобилиятлилик даражаси пасаймоқда, нега мутолаага қизиқмайдиган болалар кўпаймоқда? Бу борада кўпроқ ўқитувчилар шикоят қиладилар. Бу нимага боғлиқ? Энг аввало онага: она ўқиса — бола ҳам худди шундай бўлади. Бир гал телекўрсатувлардан бирида американлик машҳур хирург шундай ҳикоя қилганди: агар онаси уни болалигида хонага китоб билан қамаб қўймаса (бўлмаса у ўқимас экан), у ҳеч қачон билим ололмас ва бугунги даражага эришолмас эди. Балки бу ўйинқароқ болаларни тарбиялашда фойдали усулдир. Умуман олганда эса бу нимадан келиб чиқади — онанинг бандлигиданми, унинг кайфиятиданми, фаоллиги ёки хотиржамлиги ва ёки унинг қобилиятиданми? Бу жамиятда эришилган даражани бой бериш хавфидан дарак эмасми? Жамиятимиз ва давлатимизнинг келажаги аёлларимизни истеъдодли она бўлишига ҳам боғлиқ.

Аёллар тенг ҳуқуқлигини таъминлашнинг яна бир муҳим шарти, менинг назаримда, бу ўз ҳуқуқларидан хабардорлик, шахс ҳуқуқлари алифбосидан бохабарлик, давлат томонидан кенг имкониятлар яратувчи ва уни ҳимоя қилувчи қонунларни билишдир. Аксарият ҳолларда аёллар жамиятда уларнинг ўрнини белгиловчи республика қонунчилиги асосларини билишмайди. Уларнинг кўпчилиги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунлар, жумладан, Марказий Осиёда Ўзбекистон биринчи бўлиб қабул қилган «Аёллар ҳуқуқларини поймол этишнинг барча кўринишларига барҳам бериш» конвенцияси мавжудлигини ҳатто хаёлларига ҳам келтира олмайдилар. Бошқа халқаро конвенциялар — бир хил қийматдаги меҳнат учун аёллар ва эркакларни тенг тақдирлаш ҳақида, оналикни муҳофаза қилиш ҳақида, турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги ҳақида, таълим-тарбия борасидаги ҳуқуқни поймол этишга қарши кураш ҳақида ҳам қатор конвенциялар мавжуд. Қонунларни билиш аёлнинг ўзига бўлган ишончини орттиради, уни кучли қилади.

Ушбу мақолада биз иқтисод билан боғлиқ масалаларни таҳлил этмадик. Бутун жамиятга хос бўлмаса-да, муайян ва жуда оғриқли ижтимоий-маънавий муаммоларга тўхталдик. Бу муаммоларга барча даражадаги — илмийдан тортиб ижтимоий ва давлат даражасидаги бўғинлар эътиборини қаратишимиз керак, чунки маънавий-ахлоқий қадриятларимизни шакллантириш мобайнида биз аёлнинг жамиятда тутган ўрни ва аёлга муносабат жараёни қанчалар муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз керак.

Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги воқелик-аёллар ҳаракати пайдо бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистонда аёллар ташкилотлари, қўмиталари, фондлари, ассоциацияларининг кенг тармоғи фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг демократик жамиятимизда аёллар мавқеини мустаҳкамлашнинг давлат концепциясини мукаммал шакллантиришда кўп нарса аёллар ташкилотларининг фаоллигига боғлиқдир.

**Дилором АЛИМОВА, ЎзФА Тарих институти бўлим мудири, тарих фанлари доктори.**

# ЎЗБЕКИСТОН – УЛКАН ҚУРИЛИШЛАР МАМЛАКАТИ

## Тошкент тажрибаси бунга ёрқин мисолдир

## ПОЙТАХТ ЖАМОЛИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРАДИ

***Козим ТЎЛАГАНОВ,***
***Тошкент шаҳар ҳокими***

Маълумки, Тошкент Марказий Осиёнинг энг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири ҳисобланади. Археологик қазишмалардан маълум бўлишича, бу ерда аҳоли бундан бир неча минг йиллар илгари ҳам истиқомат қилган. Ҳозирги кунга келиб бизнинг пойтахтимиз, айтиш мумкинки, иккинчи ёшлигини ўтамоқда. Бу давр эса Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган йилларга тўғри келганлиги қувонарлидир.

Тошкент бугун шу масканда яшаётганларнинг кўз ўнгида бутунлай қайта қурилиб, яшариб бормоқда. Ҳақиқатдан ҳам қаёққа қараманг, пойтахтда янги-янги уй-жойлари, ижтимоий соҳа ва маданий-маиший бинолар, ўзига хос меъморчиликка асосланган жамоат иншоотлари барпо этилмоқда. Айни чоғда шаҳарда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Замонавий транспорт йўллари, кенг ва шинам кўчалар, майдонлар ҳосил бўлмоқда. Айниқса, Тошкентнинг Эски шаҳар қисми улкан қурилиш майдончасига айланганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Пойтахтнинг бу қисмида аниқ дастурга асосланган таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари олиб бориляптики, бу юзага келган бир қатор ижтимоий масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шаҳарнинг жанубий қисмида миллий анъаналар ва ўзига хос меъморчиликка асосланган камқаватли уй-жойлар барпо этилмоқда.

Очиғини айтганда, уй-жой ва фуқаро қурилиши ҳажми ва суръати бўйича МДҲ давлатлари пойтахтлари ичида Тошкентга тенг келадигани йўқ, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Пойтахтдаги бу йирик қурилиш ишларини «Тошуйжойинвестқурилиш» молиявий қурилиш корпорациясига қарашли пудрат ташкилотлари амалга оширмоқда. Ушбу йирик корпорация таркибида ўнлаб умумқурилиш ва ихтисослаштирилган трестлар, лойиҳалаштириш институтлари, уй-жой комбинатлари, акционерлик жамиятига айлантирилган автохўжаликлар ва бошқа хизматлар мавжуд. Корпорация бирлашган шаҳарсозлик тизими сифатида фаолият кўрсатиб, у қурилишларни лойиҳалаштиришдан бошлаб то тайёр ҳолга келгунча бўлган барча қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Ўтган 1996 йил якунлари шуни кўрсатмоқдаки, Тошкент қурувчилари энг қийин ва тезкор қурилиши лозим бўлган биноларни ҳам барпо этиш уддасидан чиқа оладилар. Чунки улар етарли даражадаги амалиётга асосланган тажрибага эгадирлар. Айни чоғда бинокорлар ўз олдиларига қўйган мақсадга эришиш учун одамлар, молия ва моддий-техник ресурсларни тезкор жалб этаоладилар. Худди шундай интилиш туфайли ишга тушириш дастурининг кенгайганлиги ва бошқа қийинчиликларга қарамасдан пойтахт бинокорлари ўтган йили 250 минг квадрат-метр майдондаги уй-жойни қуриб, уни фойдаланишга топширдилар. Бундай ҳисоблаб кўрсангиз, 3200 та квартирани ташкил этади. Қувончлиси, пойтахт миллий меъморчилик кўринишини бойитган бирқатор ўзига хос иншоотлар барпо этилди. Жумладан, шаҳарнинг қоқ марказида Темурийлар тарихи давлат музейи, биржа маркази қисқа муддатларда қуриб битказилди. Ҳозирги пайтга келиб Марказий банкнинг кўпқаватли биноси фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда пойтахт бош режаси лойиҳасига мувофиқ замонавий микрорайонлар қуриш, жумладан Чилонзор, Қатортол мавзеларида, Соғбон кўчаси ҳар икки ёнида, Навоий, Беруний, Зокиров ва Зарқайнар кўчалари атрофидаги мавзеларда янги микрорайонлар барпо этиш кўзда тутилган. Ушбу мавзеларда қарийиб 2 мингта квартира қурилиб, пойтахтнинг Эски шаҳар қисми бузилаётган уй-жойларидан аҳоли ушбу янги уй-жойларга кўчиб ўтишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳрини 1997 йилда бундан буён таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича қарор қабул қилган. Уни сўзсиз бажариш учун шаҳар ҳокимияти томонидан аниқ тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишга киришилган. Бу дастурда қурилиш ва лойиҳалаш ишлари ҳажми, молиявий маблағ билан таъминлаш манбалари аниқ белгиланган. Демак, олдимизда қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп. Хуллас, Тошкент бундан буён ҳам қурилиш соҳасида сифат жиҳатидан, ҳажм ва суръат бўйича ҳам етакчи шаҳарлардан бири бўлиб қолаверади.



*1. Пойтахтдаги бунёдкорлик ишлари доимо юртбошимиз эътиборида*

## «ТОШУЙЖОЙИНВЕСТҚУРИЛИШ» ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

«Тошуйжойинвестқурилиш» давлат корпорацияси мамлакатимиз Президенти Фармонига мувофиқ 1994 йилда ташкил этилган. Уни барпо этишдан мақсад-пойтахтда уй-жой ва фуқаро қурилиши миқдорини кенгайтиришдан иборат эди. Умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган бу вазифа ўтган уч йил мобайнида қандай амалга оширилди? Яхшиси бу борада далилларга мурожаат қилганимиз маъқул:

***1994 йил: 266,I минг квадрат метр уй-жой ёки 3014 та хонадон, 2476 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 810 ўринли болалар боғчалари ва шифохоналар қурилди.***

***1995 йил: 3274 та хонадон, 2517 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 800 ўринли болалар боғчалари, 1150 кишини бир йўла қабул қила оладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилди.***

***1996 йил: 251,4 минг квадрат метр турар-жой бинолари, 3027 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 480 ўринли болалар боғчалари, 160 нафар беморни қабул қила оладиган касалхона, 6 та маҳалла гузари, 4 та нонвойхона барпо этилди.***



*2. Шароф Рашидов шоҳкўчаси атрофи келажакда шундай кўринишга эга бўлади*

Ўтган уч йил мобайнида «Тошкент-2» аэропорти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари Олой, Паркент, Бешёғоч, Бектемир, Миробод бозорлари комплекслари замонавий усулда қайта қурилди. Қоғоз фабрикаси, Миллий банк биноси, республика Ички ишлар вазирлиги ўт ўчириш олий мактаби ўқув лаборатория корпуси, телеминора ёнидаги янги теннис корти каби бир қатор бинолар барпо этилди. Энг қувончлиси, Тошкентни кўркига кўрк бўлиб қўшилган Темурийлар тарихи давлат музейи комплекси қисқа муддатларда қуриб битказилди. Олимпия шуҳрати музейи, Асака-банк биноси, Ҳамид Олимжон майдонидаги янги савдо иншооти, Хадра майдонидаги ёпиқ теннис корти, вирусология илмий-тадқиқот институти каби ўнлаб иншоотлар тикланди. «Пахтакор» стадиони бутунлай қайта таъмирлаб чиқилди.

**1997 йилнинг қурилиш-монтаж дастурида 434281 квадрат метр турар-жой бинолари, қарийб 4 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 700 ўринли болалар боғчалари, 180 кишига мўлжалланган касалхоналар бунёд этиш кўзда тутилган.**

### УМУМШАҲАР ДАСТУРИ

Кейинги пайтда уй-жой қурилишида Тошкент тажрибаси бот-бот тилга олинаётгани бежиз эмас. Гапнинг индаллосини айтганда, пойтахтда нафақат уй-жой қуриш, балки умуман қурилиш соҳасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакат пойтахтига бундан 5-6 йил илгари келган меҳмон бугун яна шу ерга ташриф буюрса қадим ва навқирон шаҳар қиёфаси бутунлай ўзгарганлигининг гувоҳи бўлиши аниқ.

Бугунгача кўп ишлар қилингани маълум. Лекин олдинда янада улкан вазифалар турибди. Шаҳар тарихида пойабзалчилар маданият саройи яқинида қурилган замонавий Бўржар кўприги алоҳида аҳамият касб этади. Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги Соғбон ва Қорасарой кўчаларининг ҳам бутунлай кенгайтирилиб, қайта таъмирлангани кўпчилик йўловчиларнинг оғирини енгил қилди. Бир қатор бошқа йўллар ҳам қайта таъмирланди. Айниқса, Қўйлиқ мавзесига ва Тошкент вилояти шаҳарларига олиб чиқувчи Фарғона йўлининг қайта таъмирлангани транспорт воситалари эгалари ва аҳолига қулайлик яратди.

### ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Пойтахтда яна бир йирик иншоот — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биносини қуриш қизғин давом этмоқда. Бу Алишер Навоий номидаги миллий боғ ёнида амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур иншоотга ишлатиладиган бинокорлик материаллари, жумладан мармар ва гранит буюмлари ўзимизнинг маҳаллий конлардан келтирилмоқда. «Ўзқурилиш материаллари» концерни норуда буюмлари бошқармаси бошлиғи Миржамол Раҳимовнинг айтишича, бу иншоотга минглаб квадрат метр мармар ва гранит тошлар етказиб берилади. Биргина Олой бозорини қайта таъмирлаш учун 4 минг квадрат метр мармар ва гранит плиткаларидан фойдаланилди. Бундай маҳсулотни Тошкентдаги бошқа муҳим қурилиш иншоотлари ҳам олишади.

«Ўзқурилишматериаллари» концерни узоқ муддатдан буён тошкентлик қурувчиларнинг ишончли ҳамкори ҳисобланади ва бу концернга тегишли корхоналар ўз маҳсулотларини мунтазам етказиб бериш режасига доимо амал қилиб келмоқдалар.

### ЭСКИ ШАҲАР ЯНГИ ШАҲАРГА АЙЛАНМОҚДА

Тошкентга ташриф буюрган меҳмонлар, айниқса сайёҳлар даставвал пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини бориб томоша қилишга ошиқадилар. Тарихда Шаҳристон деб номланган бу ҳудуд бугун ўзгача чирой касб этиб турибди. 23 қаватли ўта замонавий «Чорсу»

## БЕҚИЁС ВА

меҳмонхонасини олинг. Унинг ёнида XVI аср ёдгорликлари — Кўкалдош мадрасаси, Жомий ва Гулбозор масчитлари жойлашган.

Дарҳақиқат, республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин Президентимиз ташаббуси билан пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва бутунлай янгилаш ишларига алоҳида эътибор берила бошланди. Собиқ тузум даврида Эски шаҳарликлар «эрта-индин бизни нураб бораётган уйларимиз ўрнида янги турар жой бинолари барпо бўлади» де-

## БЕТАКРОР

ган эзгу ниятда ўзларига тегишли ҳовли жойларни қайта қуришга эҳтиёж сезмай, умид билан яшардилар. Бироқ, ўнлаб йиллар ўтсада, бу жойда бирон бир янги турар жой бинолари қурилмаганди.

Мана ўзингиз гувоҳсиз: пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида қандай бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигига. Бу ердаги маҳаллалар қисқа муддатда табиий газ билан таъминланди. Канализация қувурлари ўтказилди, кўчалар кенгайтирилиб, қайта таъмирланди. Шаҳарнинг бу қисмида ҳам эски пастқам уйлар ўрнида кўп қаватли замона-

## БУНЁДКОРЛИК

вий турар жой бинолари, қатор маданий-маиший иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Айниқса, Эски Жўва бозорининг 1200 савдо ўринга эга бўлган янги комплекси бунёд этилгани пойтахтликларга ўзига хос совға бўлди.

Эътироф этиш керакки, Эски шаҳарни таъмирлаш туфайли уйи бузилиши керак бўлган фуқаролар агарда шахсий уй-жой қуришни истасалар уларга имтиёзли кредитлар берилади. Бу республика Халқ банки Тошкент шаҳар бўлинмаси зиммасига топширилган.

### ШАҲАР КЎРКИ БЎЛГАН ИНШООТЛАР

Инсон манфаатларини ҳисобга олиб пойтахтда дам олиш масканлари, спорт-соғломлаштириш ва кўнгилочар муассасалар барпо этиш миқёси ҳам кенгайиб бормоқда. Улар жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган даражада қуриляпти. Айни чоғда Алишер Навоий номли Миллий боғни янада кенгайтириш ва бу ерда Наврўз байрамини оммавий ўтказиш учун йирик комплекс қуриш режалаштирил-моқда. Бобур номли, Қодирий номли ва Сергелида жойлашган боғларни қайта таъмирлаш, ободонлаштириш, кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Жорий йилда пойтахт марказида янги давлат консерваторияси, мусиқий марказ қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилади. «Чорсу» комплекси ёнида эса йирик спорт иншооти барпо этилади. У ҳам бу йил ишқибозларга ҳадя этилади. Юнусобод туманида кўптармоқли стадион қурилиши режалаштирилган. 1997 йилда яна бир йирик объект - Ўзбекистон шоҳ кўчаси ёнида минтақада энг йирик бўлган иншоот — кўп тармоқли савдо маркази қурилиши бошланади.

«Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси тендер асосида пойтахтдаги қурилишларни тегишли ускуналар ва материаллар билан таъминлаш учун хорижий фирмаларни жалб этиш ниятида. Чет эллик сармоядорлар иштирокида яқин вақт ичида Навоий, Абай, Ўзбекистон ва Фурқат кўчалари ўртасидаги ҳудудларда офис ва меҳмонхона иншоотлари ўзига хос меъморчилик йўсинида барпо этилади. Бундан ташқари Франциянинг жаҳонга машҳур «Буиг» пудрат ташкилоти кучлари билан халқаро талабларга жавоб берадиган меҳмонхона қурилиши бошлаб юборилди. Бу ерда яна Жанубий Корея «ДЭУ» корпорацияси бизнес марказини барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

Хуллас, Тошкентда беқиёс ва бетакрор бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва кўрсатмалари асосида амалга оширилаётган бу тадбирлар она-Ватан истиқболи йўлида қайғураётган инсонлардан «биздан келажак авлодларга нималар қоляпти» деган саволга жонли жавоб бўлиши аниқ.



*4. Янги аэропорт*



*3. Давлат мулк қўмитасининг янги биноси*

## МЕТРОНИНГ УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШИ

***Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент метрополитенининг ишга туширилганлигининг йигирма йиллиги бўлади. Маълумки, Марказий Осиёда ягона бўлган бу иншоот «Чилонзор» линиясининг ишга туширишдан бошланган эди. Кейинроқ «Ўзбекистон» линияси фойдаланишга топширилди. Ҳозир эса ер ости йўлининг учинчи йўналиши - «Юнусобод» линияси қурилиши жадал бормоқда.***

***- Янги линия 9 станциядан иборат бўлади, - дейди «Тошметролойиҳа» институти директори Одил Зокиров. - Унинг умумий узунлиги 12 километрдан иборат бўлиб, янги линия пойтахтнинг Шимолий - Шарқий ҳудудини марказ билан улайди. Ҳозирга келиб ушбу йўналишнинг 5 та станциясида қурилиш-монтаж ишлари тугалланай деб қолди.***

## БУ ҚУРИЛИШЛАР ВИЛОЯТЛАРГА КЎЧСА...

***Юртбошимизнинг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги ўтган йилги фармони шаҳар аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида катта ғамхўрлик намунаси бўлди.***

***Мазкур фармон аҳолига бир қатор имтиёзлар яратдики, ундан фойдаланган фуқаролар янги уй-жой олиш имкониятига эга бўлдилар. Мана бу имтиёзлар: биринчидан, уй-жой қурилиши қийматининг 50 фоизи бюджет маблағлари, яъни давлат томонидан қопланади. Бу айтиш мумкинки, жаҳонда тенги йўқ тадбир бўлиб, ҳеч бир давлатда ҳозирга қадар аҳолига бундай имтиёзлар берилган эмас.***

***Иккинчидан, бўлғуси хонадон соҳиблари уйни сотиб олиш учун унинг умумий қийматининг 20 фоизига тенг келадиган қисмини йиғса бўлди. Қолган суммани у «Тошуйжойжамғармабанк»дан узоқ муддатли имтиёзли кредит олган ҳолда қоплаши мумкин. Тошкентда уй-жой қуришнинг бундай имтиёзли имкониятларидан ўтган йил ичида 2329 нафар фуқаро ва 14 юридик шахс фойдаланди. 1996 йилда тажриба доирасида 15 та турар -жой биноси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. 216 нафар оила юқоридаги имтиёзлардан фойдаланиб, янги уй-жойли бўлиб қолди.***

***Республикамиз ҳукумати юртбошимиз ташаббуси ва фармони асосида Тошкентда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар кўламини пухта ўрганиб, бу тажрибани барча вилоятларда кенг ёйишни маъқул деб топди. Уй-жой қурилишидаги бундай ислоҳот бошқа вилоят марказларига кўчса минглаб фуқароларимиз янги хонадон соҳиблари бўлишлари муқаррар.***



*5. Бу ерда Олий Мажлис биноси тикланяпти*

***Саҳифа материалларини***
***Аслиддин БОЛИЕВ ва Икром АХМЕТОВ***
***тайёрладилар.***
***Суратларни Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Рашид ГАЛИЕВ олган.***



*6. Хадрадаги замонавий теннис корти*

